

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

Қўлланма ҳуқуқида

УДК: 618.11-006.2

**ТОШЕВ БАХОДИР МУРОДИЛЛАЕВИЧ**

**МАВЗУ: “Эндометриоз касаллигининг клиник кечиши,  
диагностикаси ва замонавий даволаш натижалари”**

**5A720101 – Акушерлик ва гинекология мутахасислиги**

**Илмий раҳбар: т.ф.н.: Эльтазарова Г.Ш.**

**Самарқанд 2016**

## МУНДАРИЖА

### 1. Кириш.

#### **I-боб Адабиётлар шархи.**

1.1 Эндометриоз касаллигининг этиология ва патогенези.

1.2 Эндометриоз касаллигининг классификацияси.

1.3 Эндометриоз касаллигининг клиник манзараси.

1.4 Эндометриоз касаллигининг диагностикаси.

1.5 Эндометриоз ўчоғининг патоморфологияси.

1.6 Эндометриоз касаллигини даволашда энг самарали даво препаратлари.

1.7 Альтернатив даволаш чоралари.

1.8 Эндометриозни жарроҳлик даволаш усуллари.

#### **II боб Услуб ва материаллар.**

2.1 Текширилаётган беморларнинг умумий характеристикаси.

2.2 Текшириш усуллари (клиник, инструментал, лаборатор, патоморфологик)

#### **III боб Тадқиқот натижалари**

3.1 Текширилган беморларнинг клиник характеристикаси.

3.2 Ўтказилган даво турларининг муҳокамаси.

#### **IV боб Олинган натижалар таҳлили.**

Хулоса.

Амалий тавсия.

## ЭНДОМЕТРИОЗ КАСАЛЛИГИНИНГ КЛИНИК КЕЧИШИ, ДИАГНОСТИКАСИ ВА ЗАМОНАВИЙ ДАВОЛАШ НАТИЖАЛАРИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Эндометриоз касаллиги ўз асоратлари ва учраш кўрсаткичи билан ҳақли равишда гинекология амалиётидаги актуал муаммолардан бири ҳисобланади. Бир қатор муаллифларнинг маълумот беришларича, у жами гинекологик касалликларнинг 1-3,2% ини ташкил этади [Адамян Л.В. ва муаллиф., 2009; Безнощенко Г.Б., 2009]. Аммо кейинги йилларда диагностиканинг яхшиланиши билан гинекологик касалликлар структурасида эндометриознинг улуши тобора ошиб бормоқда [Кузмичев Л.Н. ва муаллиф., 2010; Сметнин В.П. ва муаллиф., 2008].

1996 йилда Россияда эндометриоз билан касалланиш ҳар 1000 нафар аёлга 55,6 ни ташкил этди. 18 ёшдан катта аёллар орасида эндометриоз билан касалланиш ҳар 100000 аҳолига нисбатан 152,0 га тенг бўлган. Гинекологик касалликлар структурасида мазкур касаллик яллиғланиш касалликлари ва миомадан кейин учинчи ўринда туради [Железнов Б.И. ва муаллиф., 1998; Стрижакова А.Н. ва муаллиф., 2002].

Одатда эндометриоз кам учрайдиган касалликлардан бири сифатида қаралади. Аслида эса, асосланган тиббиёт (Доказательная медицина) маълумотларга қараганда, кенг камровли рандомизацияланган текширишларнинг кўрсатишича, лапароскопия қилинган аёлларнинг 10% ида турли катталиқдаги эндометриоз учоқлари топилган [Кохрейнская база данных (КБД), 1999]. Аммо, жуда кўп ҳолатларда улар ҳеч қандай клиник белгиларсиз кечади ва аёлни безовта қилмайди. Яна кўп ҳолларда эндометриоз енгил ёки ўртача ифодаланган альгодисменорея кўринишида кечади. Бундай ҳолларда камдан кам ҳолларда эндометриоз ташхиси қўйилиб, одатда бошқа диагнозлар - турли яллиғланиш касалликлари ёки инфантилизм ташхиси остида беморлар олиб борилади [Кондриков Н.И., 1999; КБД, 1999].

Эндометриоз куйидаги асоратларга олиб келади [Стрижакова А.Н. ва муаллиф., 2007; Сметнин В.П. ва муаллиф., 2006 КБД, 2000]:

1. Сурункали оғрик синдроми. Турли интенсивликдаги оғрик синдроми аёлнинг бахтли турмуш кечиришига ҳалақит беради, иш қобилиятини пасайтиради.
2. Бепуштлик. 10-30% ҳолларда учрайди,
3. Битишма касаллиги.
4. Ногиронлик. Одатда Эндометриознинг экстрагенитал формалари - ўпка, буйрак, қорин парда эндометриози ва бошқалар ногироликка олиб келиши мумкин.

Эндометриоз касаллиги бизнинг минтақамизда кам диагностика қилинади, аммо бу касаллик бизда кам учрайди, дегани эмас. Кўплаб беморлар бошқа ташхислар билан самарасиз даволаниб, азоб чекиб юрганлиги эндиликда бизга маълум. Эндометриоз туфайли бепуштликка дучор бўлган аёллар ҳам талайгина. Кам диагностика қилиниши билан бирга, уни даволашда ҳам бир қанча камчиликларга йўл қўйилмоқда. Тан олиш лозимки, бизда ҳозирги пайтда эндометриоз билан оғриган беморларни олиб боришда аниқ ва ягона даволаш протоколи ҳам ишлаб чиқилмаган. Шуларни ҳисобга олган ҳолда мазкур тадқиқот лойиҳасини айнан эндометриоз мавзусида олиб боришга қарор қилдик.

**Мақсад:** Биринчи туғруқ мажмуасининг гинекология бўлимида эндометриоз касаллиги билан даволанган беморларда

касалликнинг учраши, клиник кечиш хусусиятлари, диагностикаси ва консерватив даволаш усуллари самарадорлигини ўрганиш.

### **Вазифалар:**

1. Биринчи сон туғруқ мажмуасининг гинекология бўлимида 2011-2013 йилларда эндометриоз ташхиси билан даволанган беморларнинг касаллик тарихларини ретроспектив таҳлил қилиш.

2. Шу булимда 2013-2015 йилларда даволанган аёллар орасида эндометриоз касаллигининг эпидемиологиясини, клиник кечишини, диагностикасини, даволаш усулларини проспектив урганиш.

3. Касалликни консерватив даволашда Визанна препаратининг самарадорлиги, ва нозуя таъсирларини ўрганиш.

### **Кутилаётган натижалар.**

Минтақамизда эндометриоз касаллиги ҳозирда аниқланаётганидан кўра кенгроқ тарқалган ва клиник кечишида ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Мазкур тадқиқот натижасида касалликни диагностика қилиш ва даволаш натижалари яхшиланади.

### **Магистерлик диссертациясининг тузилиши ва ҳажми:**

Ушбу магистерлик диссертацияси компьютерда ёзилган, 60 варақдан иборат, 13 та жадвал, 15 та диаграммадан иборат бўлиб, кириш, адабиётлар шарҳи, текшириш усуллари ва материаллари, эркин кузатув бўлиmidан, хотима, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар шарҳи қисмларидан иборат бўлиб, ватандошларимиз ва ҳорижий мамлакат муаллифларининг охириги йилларда чоп этилган адабиётларидан фойдаланилган.

Магистерлик диссертацияси мавзусига оид 5 та мақола ва 2та тезис чоп этилди.

## I БОБ. АДАБИЁТЛАР ШАРХИ

### Умумий характеристикаси.

Эндометриоз гормонларга боғлиқ, патологик жараён бўлиб, эндометрия тўқимасининг бачадон бўшлигидан ташқарида жойлашиши билан характерланади. Ундан фарқ қилиб, аденомиоз эндометрия тўқимасининг миометрийга ўсиб киришидир. Биринчи навбатда кичик чанок, аъзолари - тухумдон, фаллопий найлари, тўғри ичак-бачадон боғламалари, йўғон ичакнинг ректосигмоидал бўлими ва сийдик пуфаги зарарланади. Касаллик гематоген йўл билан тарқалганда бошқа узок, органлар - буйрак, ўпка, конъюнктива кабилар зарарланади [Адамян Л.В. ва муаллиф., 2008; Баскаков В.П., 2007; Кузмичев Л.Н. ва муаллиф., 2002].

◆ Эндометриоз деярли фақат репродуктив ёшда учрайдиган касалликлар жумласига киради. Эндометриоз учрайдиган ўртача ёш 25- 29 ни ташкил этади. Постменопаузадаги аёлларда эса, ҳатто ўринбосар гормонал терапия қўлланган тақдирда ҳам, жуда камдан кам ҳолларда эндометриоз симптоматикаси намоён бўлади [Дамиров М.М., 2009; Баскаков В.П., 2000].

### Этиология ва патогенез.

◆ Касалликнинг этиология ва патогенези ўзига хос бўлиб, унинг келиб чиқиши ва ривожланишини тушунтириб берувчи метапластик, имплантацион, механик, гематоген назариялар мавжуд [Бурлеев В.А., 2011; Дамиров М.М. ва муаллиф., 2009; Кондриков Н.И., 2009]. Ҳозирги вақтда учта назария - имплантацион, гематоген ва механик назариялар тан олинади. Имплантацион назарияга кўра, ҳайз конининг ретроград оқиши натижасида эндометрия хужайралари кичик чанок бўшлиғига киради ва турли аъзоларга имплантацияланади [Стрижакова А.Н. ва муаллиф., 2012; Сметнин В.П. ва муаллиф., 2011].

◆ Гематоген назарияга кўра, эндометрий фрагментлари (бўлакчалари) қон томирлар ва лимфа томирлари орқали тарқалади, бунда экстрагенитал эндометриоз ривожланади.

◆ Механик назарияга биноан, эндометрий фрагментлари ҳар хил хирургик операциялар вақтида операцион жароҳатга ёки қорин бўшлиғига тушиб қолади ва кўпая бошлайди [Бурлеев В. А., 2011; Дамиров М.М. ва муаллиф., 2009].

◆ Эндометриознинг ирсиятга боғлиқлиги ҳақида ҳам талайгина далиллар мавжуд. Эндометриоз билан оғриган беморнинг опасингилларида ёки онасида эндометриоз учраш хавфи 7%ни ташкил этади. Бутун популяцияда эса бу хавф 1%га тенг [Стрижакова А.Н. ва муаллиф., 2002].

◆ Иммунитетнинг пасайиши ҳам эндометриозга олиб келувчи омиллардан биридир. Нормада организмнинг исталган жойида пайдо бўлган бегонаҳужайралар иммун тизими томонидан йўққилинади. Иммун тизимдаги етишмовчилик ўз-ўзидан айёнки, эктопик жойлашиб қолган эндометрий ҳужайраларининг ўсишига ва алоҳида ўчоқхосил қилишига шароит яратади [Кузмичев Л.Н. ва муаллиф., 2001; Посисеева Л.В. ва муаллиф., 2001].

### **Классификация.**

◆ Эндометриоз классификацияси асосан, локализацияга асосланган классификациядир. Бу бежиз эмас. Зеро, касаллик клиникаси эндометриоз ўчоғининг қаерда жойлашганига чамбарчас боғлиқдир. Албатта даволаш тактикаси ҳам шундан келиб чиқади.

◆ Аввало, генитал ва экстрагенитал эндометриоз фарқланади. Генитал, яъни жинсий аъзолар эндометриози ҳам ўз навбатида икки гуруҳга - ички ва ташқи эндометриозга ажратилади. Ички генитал эндометриоз деганда эндометриоз тўқимасининг бачадон

миометрийсида ривожланишга айтилади. Бошқача айтганда, бу аденомиоз деб ҳамайтилади.

Аденомиознинг 4 та даражаси фарқланади.

I даража - эндометрийнинг мушак қаватига 1 см чуқурликкача ўсиб кириши;

II даража - 1 см дан чуқурроқ, ўсиб кириши;

III даража - бутун миометрий патологик жараён билан қамраб олиши;

IV даража эндометриоз ўчоғи бачадоннинг сероз пардасига етиб, қўшни аъзоларни ҳам зарарлаши [Безнощенко Г.Б., 2001; Сметнин В.П. ва муаллиф., 2001].

Ташқи генитал эндометриоз турлари орасида тухумдон эндометриози тарқалиши бўйича иккинчи ўринда туради. Бачадон найлари эндометриози - учинчи ўринда, ретроцервикал эндометриоз - тўртинчи ўринда, кейинги ўринларда эса кенг боғлама ва Дуглас бўшлиғи эндометриозлари туради [Безнощенко Г.Б., 2001; Сметнин В.П. ва муаллиф, 2001].

Ташқи генитал эндометриознинг тарқалишига қараб, кичик формалари, ўрта оғирликдаги ва оғир формалари фарқланади. Кичик формалар - қорин парда ва тухумдонларда битишма ва чандиқларсиз кичик-кичик ўчоқларнинг борлиги. Ўрта оғирликдаги эндометриоз - битта ёки иккала тухумдон юзасида майда кисталар ҳосил бўлиши, кам ифодаланган пареоовариал ва най олди битишмалари Дуглас бўшлиғи соҳасида битишмалар ҳосил қилган ва органлар силжишига олиб келган эндометриоз ўчоқлари киради. Аммо бунда йўғон ичак патологик жараёнга тортилмаган бўлади. Ташқи эндометриознинг оғир формаси - бир тухумдонда (ёки ҳар иккала тухумдонда) диаметри 2 см дан ортиқ кисталар ҳосил бўлиши, кучли ифодаланган переоовариал ва най олди ўчоқлари ва битишмалари, найларнинг деформацияси ва облитерацияси, дуглас бўшлиғи облитерацияси сийдик йўллари ва ичакларнинг патологик жараёнга

тортилиши киради [Безнощенко Г.Б., 2001; Сметнин В.П. ва муаллиф., 2001]

Экстрагенитал эндометриоз - сийдик пуфаги эндометриози, ичаклар, операцион жароҳат, ўпка буйрак ва конъюктива эндометриози кабилардир [Безнощенко Г.Б., 2001; Посисеева Л.В. ва муаллиф., 2001].

### **Клиник манзараси.**

Диспареуния (оғриқли жинсий алоқа) ва альгодисменорея билан келган барча беморларда эндометриозни истисно қилиш лозим бўлади [Сидорова И.С. ва муаллиф., 2002].

Касалликнинг клиник манзараси одатда менструациянинг оғриқли бўлиши билан намоён бўлади. Қорин пастида ва белдаги оғриқ дисменорея, диспареуния, баъзан ациклик оғриқ шаклида бўлиши мумкин. Экстрагенитал эндометриозни, яъни эндометриоз ўчоғининг кичик чанок аъзоларидан ташқарида жойлашиши бутунлай ўзгача клиник манзарага эга бўлади, ҳар бир зарарланган аъзолар томонидан келиб чиқадиган белгиларга сабаб бўлади. Масалан,ўпка эндометриозида қон туфлаш ва плеврит белгилари; операцион жароҳат эндометриозида жароҳатнинг шишиши ва оғриқли бўлиши, терининг зарарланиши кузатилиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам мазкур оғриқлар циклик такрорланиб туради ва айнан шу нарса диагноз қўйишда муҳим аҳамиятга эга [Адамян Л.В. ва муаллиф 1998; Железнов Б.И. ва муаллиф 1985].

Диспареуния - жинсий алоқа пайтида оғриқ бўлиб, унга сабаб куйидалардир: эндометриоз ўчоғининг бачадон ортида жойлашиши, тухумдоннинг эндометриоид ўсмаси, эндометриоз натижасида бачадоннинг орқага букилиши ёки силжиши [Сметнин В.П. ва муаллиф, 2001].

Ҳайз циклининг узоқ ва мўл келиши ҳам эндометриоз учун хос бўлган белгилардан биридир. Н.И.Закирова ва муаллифдошларнинг

(1997) маълумотларига кўра, беморларнинг 44,2% ида кўп ва давомли менструация, шунингдек, метрорагия кузатилади.

*Патологик жараённинг локализациясига қараб клиник хусусиятлари.*

Ички генитал эндометриоз - ҳайзнинг узок давом этиб, кўп миқдорда келиши, ҳайзнинг дастлабки кунлари қорин пастида ва белда оғриқ сезиш, бачадоннинг ҳайз кунлари катталашиб, ҳайздан кейин бироз кичрайиши [Стрижакова А.Н. ва муаллиф, 2002].

Тухумдонлар эндометриози - одатда симптомсиз. Кейинчалик эндометриоз камераларининг микроперфорацияси юз беради ва кўшни аъзолар ҳамда қорин парда патологик жараёнга қўшилади. Бунда қорин пастида тумтоқоқриқлар кузатилади. Бу оғриқлар ҳайз олдидан ва ҳайз кунлари кучаяди [Баскаков В.П., 1999; Безнощенко Г.Б., 2001].

Ҳайз циклининг номунтазамлиги, дам-бадам тўғри ичакдан қон келиши тўғри ичак эндометриози учун хос белгилардан биридир. Сийдик пуфаги эндометриозидида гематурия кузатилади. Ўпка эндометриозидида эса қон туфлаш кўрилади [Баскаков В.П., 1999].

Эндометриознинг кўп учрайдиган локализациясидан бири - Дуглас бўшлиғи бўлиб, бу *ретроцервикал эндометриоз* деб аталади. Унда қин орқали кўрганда бачадон орқасида оғриқ ва чегаралари аниқ бўлмаган қандайдир тугун борлиги аниқланади [Баскаков В.П., 1990; Безнощенко Г.Б., 2001].

Эндометриоз клиникаси учун хос бўлган белгилардан бири - бепуштликдир. У жами беморларнинг 10-30% ида кузатилади. Унга сабаб қуйидагилар: бачадон найи ва тухумдон атрофида жойлашган эндометриоид ўчоқлар, битишмали жараёни натижасида найлар ўтказувчанлигининг бузилиши. Бепуштликка олиб келувчи яна бир сабаб - овуляцияланмаган фолликуланинг лютеинизацияси - бунга сабаб эса ЛГ нинг вақтидан олдин кўпайишидир [Кузмичев Л.Н. ва муаллиф, 2001].

Н.И.Закирова ва муаллифдошлар (1997) маълумотларига қараганда, экстрагенитал касалликлар - юрак-қон томир касалликлари, сурункали

гепатит, буйрак патологияси кабилар эндометриоз кўзғалишига сабаб бўлиши мумкин. Яна шу муаллифларнинг кўрсатишича, эндометриоз ўткир қорин клиникасини чақирши ҳам мумкин.

### **Диагностикаси.**

Эндометриоз диагностикасида анамнез ва физикал текширишлар катта аҳамиятга эга. Циклик такрорланиувчи оғриқ синдроми унинг ўзига хос асосий белгиларидан бири. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, далилларга асосланган тиббиёт кўрсатмаларига кўра, вагинал кўрик ультратовуш текширишидан кўра анча информатив усул ҳисобланади. Агар эндометриоз кичик чанок бўшлиғи соҳасида жойлашган бўлса, тегишли жойда оғриқли тугунчалар пайпасланади. Ретроцервикал эндометриозга диагноз қўйишда ректал текшириш кўпроқ маълумот беради [Адамян Л.В. ва муаллиф, 1998; Скокк А.П. ва муаллиф., 1980].

Ультратовуш текшириши динамикада ўтказилганда жиддий диагностик аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Бунда УТТ ни камида икки марта - ҳайз кўришдан олдин ва кейин ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Эндометриоз тугуни ҳайз кўришдан олдин катталашади, ҳайз тугагандан кейин эса аксинча, кичраяди. Бу феномен эндометриоз диагностикасида патогномоник роль ўйнаши мумкин [Адамян Л.В. ва муаллиф, 1998; Безнощенко Г.Б., 2001].

С А-125 синамаси эндометриоид хужайралари учун специфик бўлган махсус маркерларнинг қон зардобидида кўпайиб кетишига асосланади. СА-125 титри касаллакнинг оғирлик даражаси билан корреляцияланади. СА-125 синамасининг мусбат бўлиши, шунингдек, эндометриознинг қайталанганидан ҳам дарак бериши мумкин [Сидорова И.С. ва муаллиф, 2002].

Яқуний диагноз лапаротомия вақтида ёки лапараскопияда қўйилади [Сидорова И.С. ва муаллиф, 2002].

Лапароскопияда тухумдонда, бачадон орқасида ёки бошқа жойларда жойлашган эндометриоид тугунларнинг катталашганлиги аниқланади [Сидорова И.С. ва муаллиф, 2002].

### **Эндометриоз ўчоғининг патоморфологияси.**

Найсимон, тармоқланган кистасимон кенгайган безлар бир қаватли цилиндрик эпителий билан қопланган бўлади. Баъзи ҳужайралар киприксимон эпителий билан қопланган бўлиши мумкин, баъзиларида секретор гранулалар кузатилади.

Бачадон шиллиқ пардаси билан синхрон тарзда эктопик ўчоқларда ҳам циклик ўзгаришлар кузатилади, аммо ҳеч вақтэндометрийнинг десквамацияси кузатилмайди. Ҳомиладорлик пайтида эндометриоид ўчоқларда децидуал ўзгаришлар кузатилади [КБД, 2004].

### **Даволаш.**

Эндометриозни даволашга киришишдан олдин даволаш мақсадини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Даволаш мақсади касалликнинг шаклига, клиник кечишига, давомийлигига қараб, шунингдек, беморнинг талаблари асосида ҳал қилинади. Даволаш мақсади оғриқни вақтинча қолдириш, бемор аҳволини маълум муддатга яхшилаш ёки оператив даволаш орқали бутунлай тuzатиш бўлиши мумкин [Адамян Л.В. ва муаллиф, 2002; Баскаков В.П., 2003; Безнощенко Г.Б., 2001].

Ёш аёлларда қисқа вақтдан бери давом этаётган эндометриоз аниқланганда, яхшиси, кутиш тактикасига амал қилган маъкул. Бунда

ҳеч қандай даво чораси қўлланилмайди. Кенг кўламли рандомизацияланган тадқиқотларда маълум бўлдики, даволаш бундай аёлларда натижани деярли ўзгартирмайди. Даво курси олган аёлларда 72% ҳолларда 1 йил давомида ҳомиладорлик руй берган. Даво курси олмаган

аёлларда эса ҳомиладорлик 76% ҳолларда ўз-ўзидан рўй берган [Кондриков Н.И, 1999; КБД, 2004].

### **Энг самарали даво препаратлари.**

Самарали дори воситаларидан бири - гонадолиберин агонистларидир. Уларга бусерелин, нафарилен, гозерелин каби препарат киради. Улар тухумдон функциясини ингибициялайди ва симптоматикани сусайтиради. Аммо улар бир қанча ножух таъсирларга эгадир. Жумладан, менопаузал симптомлар ва транзитор остеопороз белгилари кузатилади [Адамян Л.В. ва муаллиф, 2004; Кондриков Н.И, 2001; КБД, 2003].

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, узок вақтқабул қилинганда гонадолиберинлар медикаментоз гипофизэктомия чақиради [Железнов Б.И. ва муаллиф, 1995].

Даволашни албатта гинеколог назорати остида такрорлаб туриш лозим булади. Препарат дозаси индивидуал танланади. Нафарелин ацетат 400 мкг/сутка дозада эрталаб интраназал, кечқурун эса 200 мкг дозада берилади. Агар 2 ой давомида ҳайз циклининг гормонал йўл билан тўхташи рўй бермаса, дозани 800 мкг/сутка дозага ошириш мумкин [Безнощенко Г.Б., 2003].

Бусерелин 200-400 мкг/сутка (800 мкг/сутка дозача) 3-6 ой мобайнида интраназал қўлланилади. Даволаш ҳеч қачон 6 ойдан кўп чўзилмаслиги керак [Сидорова И.С. ва муаллиф, 2003; КБД, 2004].

Лейпролид ацетат 0,5-1,0 мг/сутка ёки 3,75-7,5 мг/ойига дозада белгиланади [Сидорова И.С. ва муаллиф, 2005; КБД, 2004].

Госерелин ацетат депо-инъекция ҳолида ҳар 28 кунда бир марта 3,6 мг дозада тери остига қилинади. Даволаш 6 ой давом этади [Сидорова И.С. ва муаллиф, 2004; КБД, 2007].

6-9 ойдан кейин ниҳоят кутилаётган ҳомиладорлик рўй бериши мумкин. Агар ҳомиладорлик рўй бермаса, орал контрацептивлар ёрдамида даволаш давом эттирилади. Комбинацияланган орал контрацептивлар

(КОК) ни узоқ вақт қўллаш сохта ҳомиладорликка ўхшаш ҳолатни юзага келтиради. Бу эндометриоз ўчоғининг некорзга учраши, ажралиб тушиши ва сурилиб кетишига олиб келади. Шундай қилиб, ҳомиладорлик, сохта ёки ҳақиқий бўлишидан қатъий назар эндометриоздан тўла халос қилувчи самарали воситадир [Сидорова И.С. ва муаллиф, 2002; КБД, 1999].

Рўй бериши мумкин бўлган ножуя таъсирларни алмаштирувчи гормонал терапия ёрдамида осон бартараф этиш мумкин.

Калций препаратлари гонадолиберин агонистлар ишлатилган пайтда гипоэстрогенемия натижасида келаб чиқувчи гипокальциемияни даволаш учун тавсия этилади [Сметнин В.П. ва муаллиф, 2001].

Дюфастон (Дидрогестерон) ретропрогестеронларга киради. Кучли ва актив прогестин препарати бўлиб, унинг структураси ва таъсири эндоген прогестеронга ўхшайди. Дюфастон эндометриозда оғриқ синдромини йўқотади, эндометриоз ўчоғини регрессиялантиради ва айни пайтда овуляцияни тўхтатмайди, ҳамда уругланишга монелик қилмайди. Бошқа прогестин препаратларидан фарққилиб, у жуда тор қарши кўрсатмалар спектрига эга, яхши қабул қилинади ва ҳозирги пайтда бепушт аёллардаги эндометриозни даволашда энг маъқул препарат ҳисобланади [Кузмичев Л.Н. ва муаллиф, 2001].

Эндометриозни даволашда препарат 10 мг дан кунига 2-3 маҳал, циклнинг 5 кунидан 25 кунигача, ёки узлуксиз берилади.

### **Альтернатив даволаш чоралари.**

Антигонадотропин препаратлардан даназол қўлланилади. У 400- 800 мг/сутка дозада оғриқ синдроми йўқолгунча берилади. Даназол таъсирида псевдоменопауза рўй беради, тухумдонларда стероидлар синтези вақтинча пасаяди. Натижада эндометрий тўқимаси бачадонда ҳам, эндометриоз ўчоғида ҳам, атрофияга учрайди. Даназол билан даволашда эффективлик 63-93% ни ташкил этади. Аммо препаратнинг ножуя таъсирлари кўп - бу

андроген эффект билан гирсутизм, семириш ва вирилизм билан боғлиқ [Баскаков В.П., 1990; Безнощенко Г.Б., 2001].

Эндометриозни даволашда перорал контрацептивлардан ҳам фойдаланилади. Чунончи, энг замонавий кам дозали ОК препаратлардан регивидон, марвелон, мерсилон, Диане 35, Логест каби препаратларни қўллаш кўпинча яхши самара беради. Агар препарат икки ёки уч фазали бўлса, унинг самараси янада яхшироқ ножа таъсирлари камроқ бўлади. Уларга Три-Регол, Триквилар кабилар мисол бўлиши мумкин [Жлезнов Б.И., Кондриков Н.И., 1999].

Оғриқ қолдириш мақсадида энг самарали даво воситалари прогестинлар ва андрогенлардир.

Золедекс эндометриоз симптомларини камайтиради ёки йўқотади. Шу билан бирга зарарланиш ўчоқларини кичрайтиради. Бу депо-инъекция кўринида 3,6 мг дозада ҳар 28 кунда қорин олд деворига тери остига юборилади. Даво курси 6 ойдан ошмаслиги лозим. Такрорий даволаш тавсия этилмайди [Стрижакова А.И. ва муаллиф, 2002; КБД, 1999].

Медроксипрогестерон 5 мг дан кунига 1 -2 марта оғриқ синдроми бартараф бўлганча ишлатилади. Бу препарат гипоталамо-гипофизар тизимнинг гонадотроп функциясини пасайтиради ва аменореяга олиб келади. Даволаш 6-9 ой давом этади [Сидорова И.С. ва муаллиф, 2002].

Оғриқ синдромини даволашда ностероид яллигланишга қарши препаратлар ҳам яхши фойда бериши мумкин. Ибубруфен, индометацин, ортофен каби препаратлар гинекология амалиётида ишлатилиб туради [Баскаков В.П., 1990].

### **Жаррохлик даволаши.**

Касалликнинг ўртачаоғир формасида, анча ифодаланган тубоовариал битишмаларда, катта эндометриоид ўсмаларда хирургик даволаш ўтказиш лозим бўлади. Гормонал терапиянинг самарасиз бўлганлиги ҳам хирургик

даволашга кўрсатма бўла олади [Ельцов- Стрельков В.И. ва муаллиф, 2004; Селезнева Н.Д. ва муаллиф., 2007].

Энг аяйдиган хирургик муолажа - эктопик жойлашган эндометрий тўқимасини кесиб олиш, фульгурация қилиш ёки лазер ёрдамида вапоризация қилишдан иборат. Тухумдоннинг эндометриоид кистасини олиб ташлаб, бачадонни ва ҳеч бўлмаганда битта тухумдон ва найни сақлабқолиш керак [Колосов А.Е., 2002; Адамян Л.В. ва муаллиф, 2004; Безнощенко Г.Б., 2001].

Беморда бепуштлиқ хавфи бўлганда ёки рўй берганда уни даволаш мақсадида жаррохлик давоси тавсия этилади. Далилларга асосланган тиббиёт кўрсатмаларига кўра, жаррохлик муолажаси қанча эрта стадияда ўтказилса, шунча самаралироқ бўлиши кутилади [Кондриков Н.И., 1999; КБД, 1999].

Сўнгги йилларда тиббиёт амалиётига тобора кенг кириб келаётган эндоскопик жаррохлик эндометриозни даволашда ҳам бир қатор афзалликларга эга. Лапароскопик коагуляция, микрохирургия, лапароскопик лазер хирургияси эндометриоз ўчоғини йўқотиш ва битишмаларни бартараф этиш ишларини анча соддалаштиради ва бачадон найларининг нормал анатомиясини муваффақият билан тиклаш имконини беради [Ельцов-Стрельков В.И. ва муаллиф, 2005; Селезнева Н.Д. ва муаллиф., 2004].

Радикал хирургик даволаш бачадон ампутацияси ва экстирпацияси ёши катта, фарзандлари бор аёлларга қилинади. Шунингдек оғир формадаги эндометриозда ҳам хирургик даво сўнгги чора сифатида бажарилади. Бундай операциядан сўнг фертил ёшдаги аёлларга албатта, ўрин босувчи гормонал терапия ўтказилиши лозим. Бу нарса суяклар остеопорозини, жинсий аъзоларнинг жумладан, қиннинг атрофиясини олдини олади, юрак-қон томир системасининг барвақтқаришини олдини олади [Баскаков В.П., 1999; Безнощенко Г.Б., 2001].

Эндометриознинг тарқалган формаларида тухумдонларни олиб ташлаш, бачадон қин усти ампутацияси ёки экстирпацияси энг самарали даво чораси

бўлиб ҳисобланади [Стрижакова А.И. ва муаллиф, 2002]. Операция кўлами (ҳажми) аъзонинг зарарланиш даражасига боғлиқ. Шароитлар бўлган ҳолда, хирургик даво ҳам ўз ўрнида бир қатор афзалликларга эга - у барча эндометриоз ўчоқларини бартараф этишга ва рецидивларнинг олдини тўлиқ олишга имкон беради [Закирова Н.И. ва муаллиф., 2000].

Ҳомиладорлик вақтида касаллик клиникаси сусаяди.

Агар эндометриоз асорати сифатида бепуштлиқ кузатилса, тухумдон функциясини сусайтирувчи терапия мутлақо тавсия этилмайди [Посисеева Л.В. ва муаллиф, 2001; КБД, 1999].

## **II БОБ. ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛИ ВА УСЛУБЛАРИ**

Биринчи сон туғруқ мажмуасининг гинекология бўлимида 2011-2014 йил давомида эндометриоз касаллиги билан ётиб даволанган жами 56 бемор ўрганилди. Улар дан 21 нафари 2011-2012 йилларда ётиб даволанган беморлар бўлиб, улар касаллик тарихлари асосида ретроспектив ўрганилди.

35 нафар бемор эса асосий гуруҳни ташкил этди. Улар 2013 йил январь ойидан 2014 йил декабрь ойигача стационар даволанишда бўлган ва проспектив ўрганилган.

### **2.1 Беморларнинг умумий характеристикаси.**

Эндометриоз касаллиги асосан репродуктив ёшдаги аёлларда учраганлиги сабабли, ҳозирда кўпгина беморларнинг бепуштлигига, бир умрлик ногиронликка, ёш оилаларда бефарзандликка сабаб бўлмоқда. Эндометриоз касаллиги кейинги 10 йил ичида ошиб бораётганлиги кузатилмоқда, шу жумладан Самарқанд вилоятида ҳам. Эндометриоз

касаллигининг Самарқанд вилоятида учраш даражасини ўрганиб чиққанимизда қуйидаги натижалар олинди.

**Самарқанд вилоятида эндометриоз билан касалланиш кўрсаткичи.**

Жадвал № 1

Эндометриоз турлари	2011	2012	2013	2014	2015	Жами	%
Аденомиоз	10	12	20	25	31	98	44,1%
Най эндометриози	8	6	5	10	12	41	18,5%
Тухумдон эндометриози	8	14	9	15	17	63	28,4%
Ретроцервикал эндометриоз	2	3	0	3	5	13	5,9%
Қорин бўшлиғи эндометриози	2	0	1	1	0	4	1,8%
Кенг боғлам эндометриози	0	0	1	1	1	3	1,4%
Жами	30	35	36	55	66	222	100,0%

Баъзи адабиётларда келтирилишича эндометриоз билан касалланиш беморларнинг яшаш тарзига, иқтисодий – ижтимоий, социал омилларга боғлиқ. Шу сабабли касалликнинг шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасида тарқалиш даражасини таҳлил қилиб чиқдик. Бу таҳлилга кўра қуйидагилар аниқланди.

**Эндометриоз касаллигининг шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасида тарқалиш даражаси.**

Жадвал № 2

Яшаш жойи	2011	2012	2013	2014	2015	Жами	%
Шаҳар	4	4	4	5	5	22	39,3%
Қишлоқ	6	8	6	6	8	34	60,7%
Жами	10	12	10	11	13	56	100%

## 2.2 Текшириш усуллари

Бу беморлар тўлиқ клиник - лаборатор текширишлардан ўтишган. Ўтказилган текшириш усуллари ҳақидаги маълумотлар қуйидаги жадвалда келтирилган:

Жадвал №3

№	Текшириш усуллари	Сони	%
1	Умумий физикал текшириш	35	100%
2	Гинекологик текшириш	35	100%
3	Ультратовуш текшириш	35	100%
4	Бачадон бўшлигини диагностика кириш	9	21,71%
5	Умумий қон ва сийдик таҳлили	35	100%
6	Биохимик таҳлиллар	31	88,57%
7	Метросальпингография	14	40%
8	Лапараскопия	6	17,14%
9	Мутахасислар кўриги	15	42,86%
10	ЭКГ	7	20%
	Жами	222	-

Шундай қилиб, жами 222 текшириш ўтказилган бўлиб, улар асосида касалликнинг клиник формаси ва оғирлик даражаси аниқланган. Энг асосий текшириш усулларида бири УТТ бўлиб, бу текшириш усули Aloka Mindray SSD50 аппарати орқали амалга оширилди. Касаллик аниқданган беморларнинг 15 нафарига хирургик даволаш ўтказилган. Қолган 20 нафарига эса консерватив даво сифатида Визанна препарати қўлланган. Хирургик ва консерватив даволаш натижалари ўрганилди. Визанна препарати 2мг дан кунига 1 маҳал ҳар кун бир хил вақтда узлуксиз 6 ой давомида қўлланилади. Бу препаратни ҳайз циклининг хоҳлаган кунидан бошлаб бериш мумкин. Даволаш эффекти динамик УТТ да эндометриоз

ўчоғининг кичиклашуви, шунингдек, касаллик симптомларининг йўқолишига қараб баҳоланди. Визанна препаратининг таркибидаги асосий модда - микродозаларда диеногест 2 мг. Диеногест нортестостерон ҳосиласи бўлиб, антиандроген активликка эга. Диеногест аёл бачадонидаги прогестерон рецепторлари билан боғланиб, 10% ҳоллардагина прогестеронга яқин туради. Шунга қарамасдан диеногест зўр прогестоген эффектга эга. Диеногест тухумдонларда эстероген ишлаб чиқарилишини камайтиради, эндометрийда эстерогеннинг трофик эффективлигини пасайтиради. Бу препаратни доимий қўллаш натижасида эндометрий тўқимаси децидуализацияси, кейинчалик эса эндометриод ўчоқларнинг атрофиясига олиб келади. Диеногест ҳомиладорликка, ҳомила ривожланишига салбий таъсир кўрсатмайди. Ҳомиладор аёлга Визанна препаратини тавсия қилиш шарт эмас, чунки ҳомиладорлик эндометриознинг физиологик давоси бўлиб ҳисобланади. Агар аёл эндометриоз касаллиги билан ҳомиладор бўлишга мияссар бўлсагина. Худди шундай кўкрак билан эмизиш даврида ҳам.

Оператив даво қўлланилган беморларда (13 нафар ретроспектив ва 15 нафар проспектив гуруҳда) операцияга кўрсатмалар, операция кўлами ва самарадорлиги баҳоланди. Бунинг учун кейинги 3-6 ой мобайнида бемор динамик кузатувда бўлди.


Олинган натижалар ретроспектив гуруҳдаги даволаш натижалари билан таққосланиб, солиштирма анализ қилинди. Фарқданиш ишончилиги (достоверность различия) Стьюдент бўйича тарқалиш даражаси каби статистик формулалар ҳисобланди. Бунда MicrosoftExcel 5,0 электрон жадвали имкониятлари ва махсус статистик формулардан фойдаланилди. Олинган натижалар таҳлил қилиниб, тегишли хулосалар чиқарилди.

Олинган хулосалар асосида эндометриоз билан касаланган беморларни олиб бориш тактикасига доир аниқ кўрсатмалар ишлаб чиқилди.

### III БОБ. ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Асосий гуруҳда жами 35 та бемор текширилган бўлиб, улардан 19 нафари (54,3%) қишлоқ аҳолиси, 16 таси (45,7%) эса шаҳарликлардир. Эндометриоз касаллигининг қишлоқ аҳолисида кўп учраганлигининг сабаби, уларда диагностиканинг ўз вақтида ўтказилмаганлигидир.


Диаграмма №1




Текширилган беморларнинг 33 нафарида (94,29%) экстрагенитал касалликлар аниқланган бўлиб, улар орасида энг кўп учрайдигани - анемиялардир (64,29%), юрак-қон томир касалликлари - 7 беморда (20%), пиелонефрит - 4 беморда (11,43%) ва вирусли гепатит - 3 беморда (8,57%) аниқланди.

Диаграмма

№2



Беморларнинг анамнези ўрганилганда, уларда ҳайз циклининг неча ёшдан бошланганига эътибор қилинди.



Расм 1 Кузатилган. Беморларнинг 4 нафарида менархе (биринчи ҳайз кўриш) 13 ёшгача бўлган, 7 нафарида 13-15 ёш оралиғида, 19 нафарида 15-17 ёш оралиғида ва 5 нафарида 17 ёшдан кейин.


**Эндометриоз касаллиги билан касалланган беморларда аниқланган қўшимча патологиялар**

Жадвал № 4

Қўшимча касалликлар	%
Сурункали эндометрит	27,8%
Тухумдон паталогияси	38,2%
Бачадон бўйни эрозияси	13,3%
Бачадон миомаси	7,7%
TORCH	6,5%
Буйрак касалликлари	2,4%
Диффуз токсик буқоқ	2,2%
Симптоматик гипертензия	2,0%


Эндометриоз касаллиги билан касалланган беморларда аниқланган кўшимча патологиялар куйидаги диаграммаларда кўрсатилган:

Диаграмма №4



Расм 1

Диаграмма №5




Расм 2

Бу ерда асосий гуруҳдаги беморларни оладиган бўлсак: сурункали эндометрит 27.8%, тухумдон патологияси 38.2%, бачадон бўйни эрозияси 13.3%, бачадон миомаси 7.7%, TORCH инфекция билан 6.5%, буйрак касалликлари 2.4%, диффуз токсик буқоқ 2.2%, симптоматик гипертензия 2% Бундай беморларда УТТ рутин текшириш сифатида албатта ўтказилди. Шунингдек, бошқа мутахасислар кўриги ташкил қилинди. Кўп ҳолатларда дастлабки тахминий диагноз тасдиқланди.

Беморларнинг ёши 19 ёшдан 35 гача бўлиб, ўртача  $31,69 \pm 1,10$  ни ташкил этди. Беморларнинг ёш бўйича тақсимланиши қуйидаги гистограммада кўрсатилган.

Диаграмма №6

**Беморларнинг ёш бўйича тақсимланиши**



Ретроспектив гуруҳ

Асосий гуруҳ


Расм 3

Беморларнинг барчаси фертил ёшдаги беморлардир. Ретроспектив гуруҳда 30-35 ёшдаги беморлар кўпчиликни ташкил этгани ҳолда, асосий гуруҳда касаллик 25-30 ёш оралиғида энг кўп диагностика қилинган. Бу яна бир эндометриоз диагностикаси анча яхшиланганини, унинг бирмунча эртароқ аниқлана бошланганидан далолат беради.

Касалликнинг давомийлиги тўғрисидаги маълумотлар куйидаги гистограммада келтирилган:

Диаграмма №7

### Касалликнинг давомийлиги



Расм 4

Беморларнинг 77,14% ида касалликнинг давомийлиги 1 йилдан 5 йилгача бўлган.

Локализациясига қараб, касалликнинг клиник формаси қуйидаги жадвалда батафсил баён этилган.

*Жадвал №5. Локализациясига қараб касалликнинг клиник формаси.*


№	Касаллик формаси	Ретроспектив гуруҳ		Асосий гуруҳ	
		Сони	%	Сони	%
1	Аденомиоз	9	42,86	17	48,57
2	Най эндометриози	5	23,81	11	31,43
3	Тухумдон эндометриози	1	4,76	4	11,43
4	Ретроцервикал эндометриоз	2	9,52	1	2,86
5	Қорин бўшлиғи эндометриози	1	14,28	2	5,71
6	Кенг боғлама эндометриози	1	4,76		
	Жами	21	100%	35	100%

Эндометриоз клиник формалари орасида биринчи ўринда бачадон эндометриози туради, у ҳар иккала гуруҳда мос равишда 42,86% ва 48,57% ни ташкил этган. Иккинчи ўринда эса най эндометриози туради. У 23,81% ва 31,43% ни ташкил этади. Эндометриоз билан бирга келувчи бепуштлиқ сабаби айнан шу нарса билан изоҳланади. Тухумдон эндометриози ретроспектив гуруҳда жуда кам диагностика қилинган (4,76%). Асосий гуруҳда эса у 4 та беморда аниқланган бўлиб, 11,43% ни ташкил этган. Эндометриознинг бошқа турлари - қорин бўшлиғи формаси ва ретроцервикал эндометриозлар ҳар иккала гуруҳда ҳам кам учраган. Экстрагенитал эндометриоз бизнинг текширишларимизда қайд этилмади.

Эндометриознинг клиник намоён бўлиши ҳақидаги маълумотлар қуйидаги гистограммада келтирилган:

### Эндометриознинг симптоматологияси

Диаграмма №8



Гистограммадан кўришиб турганидек, эндометриознинг энг етакчи белгиси альгодисменорея бўлиб, у ретроспектив ва асосий гуруҳларда мос равишда 80,95% ва 88,57% беморларда кузатилган. Иккинчи ўринда полименорея, кўп миқдордаги давомли менструация бўлиб, у 57,14-60% беморларда кузатилади. Учраши жиҳатдан учинчи ўринда турувчи симптом -

бу бепуштлик бўлиб, ҳар иккала гуруҳда мос равишда 28,57% ва 22,85% ни ташкил этган.

Эндометриознинг симптомсиз кечиш ҳоллари бизнинг текширишларимизда ниҳоятда кам кузатилди.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, айрим симптомлар эндометриознинг алоҳида клиник формалари учун хосдир. Масалан, диспареуния ретроцервикал эндометриознинг асосий белгиси бўлиб, оғрик интенсивлиги ҳам анча кучли бўлади. Қорин пастида ациклик оғрик эса қорин бўшлиги ва кенг боғлама эндометриози, баъзан аденомиозда кузатилади. Бепуштлик тухумдон ва най эндометриозида кўп учровчи симптом ва асоратдир.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, асосий гуруҳда беморларнинг 15 нафари хирургик даволанган бўлиб, операцияга кўрсатмалар қуйидагича бўлган.

Жадвал №6. Эндометриозни оператив даволашга курсатмалар.

№	Операцияга кўрсатмалар	Ретроспектив гуруҳ (n=21)	Проспектив гуруҳ (n=35)
1	Кучли ифодаланган оғрик синдроми	7 (33,33%)	10(28,57%)
2	Гиперполименорея	4(19,05%)	7 (20,0%)
3	Бепуштлик	5(23,81%)	5 (14,29%)
4	Бошқа гинекологик касалликлар	-	2(5,71%)
	Жами беморлар сони	13 (60,9%)	15 (42,86%)

Ўтказилган операциялар ҳажми тўғрисидаги маълумот ушбу жадвалда кўрсатилган:

## Эндометриозни хирургик даволаш.

Жадвал №7

№	Операция ҳажми	Ретроспективг гурух (n=21)	Проспектив гурух (n=35)	P
1	Бачадон экстирпацияси	4(19,05%)	3 (8,57%)	<0,005
2	Бачадон қин усти ампутацияси	2 (9,52%)	3 (8,57%)	-
3	Бачадон ортиқларини олиб ташлаш	7 (33,33%)	4(11,43%)	<0,001
4	Тухумдон резекцияси	-	3 (8,57%)	
5	Тубэктомия	-	2(5,71%)	
	Жами беморлар сони	13 (60,9%)	15 (42,86%)	<0,005

Келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, оператив даволаш улуши проспектив гуруҳда сезиларли даражада камайган, яъни 6,0,9% дан 42,86% га тушган ( $P < 0,005$ ). Шу билан бирга, операциялар ҳажми ҳам бутунлай ўзгарган. Ретроспектив гуруҳда радикал операциялар - бачадон экстирпацияси, бачадон ортиқларини олиб ташлаш кабилар сони илмий ишончли тарзда баланд (мос равишда  $P < 0,005$  ва  $P < 0,001$ ). Айни пайтда хирургик жиҳатдан анча «аёвчи» (ёки «тежамли») операциялар - тухумдон резекцияси ва тубэктомия проспектив гуруҳда жами 5 нафар беморга қўлланилган. Ретроспектив гуруҳда бу операциялар биронта беморга қилинмаган.

Асосий гуруҳда биз касалликнинг вақтлироқ аниқланганлиги, кўпчилик аёлларнинг репродуктив ёшда эканлигини ҳисобга олиб, консерватив даволашга кўпроқ эътибор бердик. Негаки оператив даволаш кўпгина ҳолларда бепуштлиқни баргараф этмайди, чандиқли


жараёнларни янада кучайтиради ва бир қатор постоперацион асоратларга ҳам сабаб бўлади.

Консерватив терапия учун энг маъкул препаратлар, адабиётлар шарҳида баён этилганидек, гонадолиберин аонистлари - бусерелин, нафарален, госерелин ва бошқалардир. Аммо афсуски, бу дорилар ҳозирча бизда сотувда йуқ. Шу боис, биз эффективликда улардан қолишмайдиган, ҳозирги пайтда кенг кўламда амалда қўлланилаётган визанна препаратиниқўлладик ва самарадорлигини ўргандик.

Визанна препарати 2мг дан кунига 1 маҳал ҳар куни бир хил вақтда узлуксиз 6 ой давомида қўлланилади. Бу препаратни ҳайз циклининг хоҳлаган кунидан бошлаб бериш мумкин. Касалликинг оғирлик даражасига қараб, даволаш курси 3 ойдан 6 ойгача давом эттирилди. Визанна асосий гуруҳдаги аёлларнинг 20 нафарида, ретроспектив гуруҳда эса 9 нафар аёлда ишлатилган. Асосий гуруҳдаги 20 нафар беморда визанна билан даволашнинг самарадорлиги қуйидаги гистограммада кўрсатилган.

Диаграмма №9

**Эндометриозни консерватив даволаш натижаси**



Расм 6

